В целом, парламентаризм и многопартийная система в Узбекистане сложились не спонтанно, а в результате тщательно выработанной государственной политики и постепенного совершенствования нормативно-правовой базы. Более того, формирование этих двух важных звеньев политической системы происходило с учетом сложившейся на тот момент социально-политической обстановки, а также национального менталитета и традиций в плане построения государственности. Парламент Узбекистана смог стать полноценным органом, представляющим интересы граждан

страны и своего рода гарантом защиты их прав, тогда как многопартийная система стала олицетворением плюрализма, выбора пути на основе демократических устоев.

В третьей главе диссертации – **Модификация политической системы Республики Узбекистан (2016-2021 гг.)** – освещены административные реформы, проходившие в новых условиях, значительно изменившие функционирование институтов власти в качестве единой политической системы. Вместе с тем, на основе анализа действующего законодательства Республики Узбекистан выявлены проблемы, препятствующие совершенствованию деятельности ряда субъектов политической системы, выработаны соответствующие предложения и рекомендации.

В первом параграфе главы проанализированы процесс смены власти в Узбекистане в 2016 году, правовые основы вступления Шавката Мирзиёева в качестве временно исполняющего обязанности Президента страны, а также динамика изменений в системе государственного управления.

Следует отметить, что после смены власти в политических кругах и в обществе наблюдалось некое концептуальное переосмысление существующей системы, что и способствовало началу широкомасштабных преобразований во всех сферах жизни. Система государственного управления начала выходить на новый этап развития, где главным приоритетом стала непрерывная связь, диалог государства и общества. Свидетельством этому являются реформы, направленные на формирование такой управленческой модели, где самые простые нужды народа не будут оставаться без внимания государства.

Знаковым событием в жизни узбекского общества стало разработка и принятие по инициативе Главы государства «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» (далее «Стратегия действий») ¹², которая наряду с решением задач по многим вопросам социально-экономической жизни страны, была призвана реформировать действующую политическую систему. По сути, этот документ подразумевал собой качественно новый подход к системе стратегического планирования перспектив государственного и общественного развития страны.

Принятие этого и других сопутствующих документов открыло возможность в корне пересмотреть динамику институционального развития политической системы Узбекистана, выявить ряд существенных проблем, и, следовательно, найти пути их решения. Иными словами, был заложен прочный фундамент для совершенствования институциональной, организационной и правовой базы деятельности всех ветвей власти. Это, прежде всего, предусматривало дальнейшую децентрализацию государственного управления, обеспечение практической реализации принципа разделения властей при организации системы государственной власти на местах и повышение роли и эффективности деятельности органов

¹² <https://lex.uz/ru/docs/3107042>

самоуправления граждан в решении актуальных вопросов социально-экономического развития и др.

В диссертации подчеркивается, что серьёзной переориентации деятельности подвергся парламент республики – Олий Мажлис – были расширения его полномочия, наблюдалась активизация политических партий в углублении демократических реформ и модернизации страны, внедрены такие современные формы парламентского контроля, как заслушивание в нижней палате парламента ответов членов правительства на вопросы депутатов Законодательной палаты в рамках так называемого «правительственного часа».

Во втором параграфе главы приведен анализ существующих проблем, сдерживающих полноценный ход административных реформ. В частности, важным направлением реформирования политической системы стал парламент Узбекистана и основным болезненным моментом является отсутствие реальной конкуренции между партийными фракциями, депутатскими группами в продвижении законопроектов. Инициативность палат парламента остается не на должном уровне. Так, из 136 законодательных инициатив, поступивших в течение 2017 года, лишь 27 были выдвинуты депутатами, и в основном, касаются внесения изменений и дополнений в действующие законы, исходя из указов и постановлений Президента¹³. Следует выделить и то, что принятие законов и подзаконных актов, которые в большинстве случаев не способствуют решению каких-либо конкретных вопросов, а иногда противоречат друг другу, на практике приводит к множеству проблем. Результаты проведенного анализа показали, что нередко принимаемые законы не действуют из-за того, что не содержат конкретных механизмов реализации, имеющихся в них норм и нет реальной оценки действия того или иного нормативно-правового акта в реальной жизни.

Из структуры политической системы, которые все еще имеют глубокие и очевидные проблемы, можно выделить и политические партии. В контексте развития демократических процессов в Узбекистане особое место, разумеется, должно отводиться более действенной работе партийных фракций в парламенте, а также участию политических партий в президентских выборах. Анализ избирательных кампаний в представительные органы государственной власти, показывает крайне низкую эффективность исполнения политическими партиями тех обещаний, которые даны избирателям перед выборами. Причины такого положения вещей скрыты не только в непродуманности уставов, программ и избирательных платформ политических партий, но и в слабости проводимых ими организационных мероприятий, отсутствии четких стратегий реализации партийных интересов, и инициирования как нормативно-правовых, так и технологически продуманных механизмов работы с населением. В данном

¹³ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису 23.12.2017. <http://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-23-12-2017>

контексте перед политическими партиями Узбекистана стоит крайне важная задача – учиться вести прямой и честный диалог с народом и потенциальным электоратом, постоянно информируя его о положении в стране и за его пределами, а также о своих действиях, успехах и недостатках.

Дальнейшая систематизация деятельности требуется и для органов власти на местах. Несмотря на регламентацию деятельности органов власти на местах Законом Республики Узбекистан «О государственной власти на местах», Указом Президента Республики Узбекистан «О совершенствовании системы республиканских органов государственного управления», Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по повышению эффективности исполнения актов законодательства на основе современных механизмов правового мониторинга» организация исполнения законодательных актов и поручений осуществляется без применения современных методов делопроизводства.

Приведенные в Концепции административной реформы в Республике Узбекистан цели по «переформатированию» деятельности органов власти на местах, достигаются с особой сложностью, в первую очередь, из-за отсутствия комплексной системы ускоренной реализации целей, указанных в документе. Причиной тому является неэффективное использование, порой даже просто не использование депутатами таких полномочий как депутатский, парламентский запросы, заслушивание по инициативе депутатских групп на заседаниях по вопросам их деятельности.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В ходе диссертационного исследования были сформулированы следующие выводы:

1. Ввиду существования по всему миру различных политических систем с особенностями, присущим только этим обществам, научное понимание сути политической системы не имеет границ. Междисциплинарные исследования подтверждают мысль о сложности природы этого термина. Соответственно, при изучении отдельных систем, нецелесообразно исходить только из известных на этот момент теорий и подходах, а при оценке деятельности всей системы и ее институтов в частности, необходима предельная осторожность и прагматичность, при этом учитывая специфику того государства, общества, региона и т.д.

2. Политическая система Республики Узбекистан – это прагматично выстроенная структура институтов государственной власти, функционирующих на принципах законности и прозрачности, деятельность которой направлена на обеспечение благосостояния граждан. На сегодняшний день, она представляет из себя сложный механизм с выстроенным порядком взаимоотношений между ее субъектами, основанной на Конституции Республики Узбекистан. Характерной чертой формирования и развития политической системы Узбекистана является поэтапность

совершенствования деятельности ее институтов, исключая кардинальных перемен.

3. Системообразующим звеном системы является Президент Республики Узбекистан. На наш взгляд, именно это свойство института президентства и обеспечила безболезненный транзит в ранние годы независимости. Несмотря на наличие признаков авторитаризма, существовавшая в первые годы, система, при которой президент наделялся широкими полномочиями, показала свою эффективность с точки зрения беспрекословного обеспечения исполнения нормативно-правовых документов, сохранения государственной безопасности и продвижения государственной политики в целом. Полномочия президента в Узбекистане постепенно сокращаются путем их передачи другим институтам – Кабинету Министров Республики Узбекистан, Премьер-министру Республики Узбекистан и др. В целом, эта тенденция представляется вполне нормальной в транзитных обществах, и самое главное, отвечает требованиям нынешнего времени и существующим условиям перехода к политике децентрализации.

4. После смены власти в Узбекистане в 2016 году политическая система претерпела ряд изменений, т.е. начался процесс модификации ее институтов. Хорошо выстроенная институциональная база, сформированная за предыдущие 25 лет, позволила концентрироваться лишь на улучшение эффективности некоторых структур, а не создание других новых. Основой для модификационных процессов политической системы послужило принятие фундаментального документа – Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям на 2017-2021 годы, в котором были указаны конкретные меры по совершенствованию деятельности многих министерств и ведомств, местных органов власти, судебной власти, пересмотрена деятельность Кабинета Министров.

5. Следует отметить, всякие перемены государственного масштаба сопровождаются ритмическими подъемами и спадами, что, в принципе, является вполне нормальным явлением. В свою очередь, структурные корреляции политической системы Узбекистана, происходившие в 2017-2019 годах имели сложный характер и были направлены на ликвидацию недочетов в деятельности практически всех институтов, а также на выход на новый уровень функционирования с точки зрения инициативности и личной ответственности руководящих лиц.

На основе исследования сделанных в рамках диссертационной работы заключений, также был выработан ряд предложений и рекомендаций:

1. Принимая во внимание большую заинтересованность научного сообщества всего мира к политическим процессам, происходящим в Узбекистане и Центральной Азии, а также учитывая тот факт, что в Узбекистане не существуют профильных организаций, ведущих исследования в этом направлении полагаем возможным создание Центра социально-политических исследований при Академии наук Республики Узбекистан, основной целью которого может являться проведение

фундаментальных и прикладных изысканий в области истории государства и права, транзитных обществ, политических систем и др.

2. Считаем целесообразным на базе Института истории АН РУз реализовать научный проект «Социально-политическое обновление Узбекистана в 2016-2021 гг.: проблемы и перспективы» в качестве продолжения прикладного исследования «Новейшая история Узбекистана», осуществленной отделом «Новейшей истории Узбекистана и международных отношений» Института истории Академии наук Республики Узбекистан. Аналогичные проекты уже выполняются в ведущих научно-исследовательских центрах Германии, США, Великобритании, специализирующихся на исследованиях центральноазиатского региона.

3. В целях совершенствования деятельности хокимов областей, районов и городов предлагается внести изменения и дополнения в Закон Республики Узбекистан от 2 сентября 1993 года «О государственной власти на местах». В частности, полагаем необходимым назначения на должность председателя Кенгашей народных депутатов исключительно из числа самих депутатов (например, по принципу старейшего депутата), тем самым исключить возможность доминирования хокимами в органе, в котором они являются подотчетными. Согласно действующему законодательству данный элемент порождает дисбаланс во взаимоотношениях хокимов и местных депутатов. Именно Кенгаш народных депутатов должен стать регулятивным органом деятельности хокимов и хокимиятов в целом, а хокимы стать подотчетным как Кенгашу, так и Кабинету Министров Республики Узбекистан.

4. На основе зарубежного опыта коренным образом совершенствовать систему повышения квалификации представителей местных органов власти в профильных учебных заведениях, при этом диверсифицировать программу обучения и увеличить квоту приема слушателей.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 30.12.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

ЖАСУР БОТИРОВИЧ САЛОМОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СИЁСИЙ ТИЗИМИ ЮЗАГА
КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3PhD/Таг199 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига (www.fati.uz) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзохид Акрамович Рахимов
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дилором Агзамовна Алимова
тарих фанлари доктори, профессор

Рустам Зиятович Жумаев
сиёсий фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Таг.56.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри Миробод тумани, Шаҳрисабз тор кўчаси , 5-уй, мажлислар зали. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@fati.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58, факс: (99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2023 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2023 йил “___” _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси)

Азамат Зиё

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, тарих
фанлари доктори, профессор.

Х.С. Жуманазаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, тарих
фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD).

Н.А. Аллаева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, тарих фанлари
доктори.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги. XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин дунёда бутунжаҳон тартиботнинг тубдан, янги тамойиллар асосида қайта шаклланиши кузатилди. Мамлакатлар, биринчи навбатда, инсон ва жамият равнақига хизмат қиладиган сиёсий тизимлар ва уларнинг фаолиятини тартибга соладиган самарали бошқарув институтларни яратишга интилишди. Бугунга келиб аксарият мамлакатлар бу йўналишда маълум ютуқларга эришиб, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашган бўлишса, бир гуруҳ мамлакатлар бу борада ҳамон консерватив қарашларга мойилликни сақлаб келмоқдалар ҳамда натижада сезиларли ижобий ўзгаришларга юз тутганлари йўқ. Шу жиҳатдан, сиёсий тизимлар самарадорлигини ошириш, бу борада жадал ислохотларни олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Сиёсий тизим ўзида комплекс илмий юкломани мужассам этади ва ушбу илмий феномен ижтимоий-гуманитар фанлар тарикқий этган мамлакатларда, биринчи навбатда, АҚШ, Германия, Франция, Япония илмий тадқиқот муассасаларида “институционал”, “тизимли ва тизимсиз”, социологик ҳамда тарихий ёндашувлар асосида ўрганила бошланди. Бугунга келиб эса деярли барча мамлакатларда мазкур масалага доир изланишларга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Бундан асосий мақсад эса – давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш, умуман олганда, давлатлар, минтақалар ривожининг барқарорлигини ва жамиятлар осойишталигини таъминлашдир.

Замонавий Ўзбекистон тарихи – бу чинакам мустақилликка эришиш йўлидаги мураккаб ва машаққатли кураш даврини ўзида акс эттиради. Тарихан қисқа давр мобайнида тоталитар тузумдан воз кечиб, мустақил тараққиёт йўлини танлаб, кўплаб қийинчилик ва синовларни енгиб ўтган мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга эришди¹⁴. Совет ҳокимияти парчаланганидан сўнг Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўзига хос кўтарилишлар ва пасайишлар билан кечган сиёсий ўзгаришларни бошдан кечирди. Айнан шу жиҳатдан келиб чиқиб ҳам Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизими шаклланиши ва ривожланиши тенденциясини ўрганиш, нафақат ихтисослашган фанлар, балки тарих фанининг вазифаси ҳамдир. Шу боис, мазкур мавзуни тарихийлик ёндашуви асосида чуқур тадқиқ этиш Ўзбекистон тарихи фани учун ўзига хос ютуқ бўлиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, юқоридагилар тадқиқотимизнинг долзарблиги ҳақидаги саволларга жавоб бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3105-сон қарори ва

¹⁴ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз, «Ўзбекистон», 2018 й. Б.4.

соҳага оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатлар сиёсий тизимларининг шаклланиш жараёнларини ўрганиш ва ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш соҳа мутахассисларининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Сабаби, бу каби тадқиқотлар конституциявий тузум, сиёсий режим ва сиёсий ҳокимият фаолияти самарадорлиги каби бир қатор жиҳатларни ҳар томонлама ўрганишни тақозо этади. Шунингдек, мазкур тадқиқотда бугунги кунда турлича ёндашув ва талқинларга эга бўлган сиёсий тизим тушунчасини ўрганишнинг назарий ва услубий жиҳатлари алоҳида аҳамиятга эга. Шу муносабат билан, тадқиқотимиздаги илмий ёндашувларни таснифлаш ва тизимлаштириш мақсадида илмий адабиётларни қўйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

1. Мутахассисларнинг “сиёсий тизим” тушунчаси ва унинг мазмуни билан боғлиқ назарий-услубий жиҳатларини ўрганишга қаратилган ишлари. Бу гуруҳга Д. Истон, К. Дойч, Г. Алмонд, Т. Парсонс, М. Вебер, Ф. Фукуяма, С. Хантингтон, В. Ковальченко, Л. Энтин ва А. Белькова каби олимларнинг асарларини киритишимиз мумкин¹⁵.

2. Миллий тадқиқотчиларнинг Ўзбекистон Республикасида постсовет давридаги ўзгаришлар жараёнларини очиб берувчи, шунингдек, давлат ҳокимиятини демократлаштиришдаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар

¹⁵ Easton D. An approach to the analyses of political systems. World Politics, Vol 9, № 3 (Apr. 1957) pp. 383-400 www.links.jstor.org/sici&sici; The Political System: An Inquiry into the State of Political Science. By David Easton. (New York: Alfred A. Knopf, 1953). Pp.xiii, 320, x.; A Framework for Political Analysis. By David Easton. (Englewood Cliffs, N. J.: Prentice-Hall, Inc., 1965). Pp. xvi, 143; A Systems Analysis of Political Life. By David Easton. (New York: John Wileyand Sons, Inc., 1965). Pp. xvi, 507.; Deutsch K. The Nerves of Government: Models of Political Communication and Control. N.Y.: FreePress, 1963. 316 p.; Алмонд Г., Пауэлл Дж., Стром К., Далтон Р. Сравнительная политология сегодня. Мировой обзор. Учебное пособие. М., 2002. С.54; Almond G, ed. Comparative Politics Today. Scott, Foresman&Co. USA. 1988. 87 p.; Parsons T. Essays in Sociological Theory. N.Y., 1964.; Parsons T. Social System. N.Y., 1951.; Parsons T. The Structure of Social Action. N.Y., 1961.; Parsons T., Shils E. Toward a General Theory of Action. N.Y., 1962.; Вебер М. Хозяйство и общество: очерки понимающей социологии. Т. III. Право. Издательский дом Высшей школы экономики. Москва, 2018. С.13. Вебер М. Хозяйство и общество: очерки понимающей социологии [Текст]: в 4 т. / Макс Вебер; [пер. с нем.]; сост., общ. ред. и предисл. Л. Г. Ионина; Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2018. Т. III. Право. – С.331.; Фукуяма, Ф. Сильное государство: Управление и мировой порядок в XXI веке. – М: АСТ: Москва: Хранитель, 2006. - 220, [4] с.; Huntington Samuel P. The Third Wave Democratization in the Late Twentieth Century. University of Oklahoma Press, 1991. P. 368.; Ковальченко И.Д. Методы исторического исследования / И.Д. Ковальченко; Отделение историко-филологических наук. 2-е изд., доп. – М.: Наука, 2003. С.357; Энтин Л.М. Политические системы развивающихся стран (государство и политические партии в странах Азии и Африки). – М.: Междунар. отношения, 1978.251 с.; Белькова А.А. Исторический институционализм – новое направление в исторических исследованиях. Вестник Бурятского государственного университета, 2014г. №7. С.117.

тахлилини ўз ичига олган илмий ишлари. Хусусан, М. Рахмонқулов, М. Миракулов, Х. Одилқориев, А. Саидов, Р. Жумаев, И. Хамедов, М. Рахимов, Э. Халилов, Х. Рўзметов, Э. Нуриддинов, С. Одилхўжаева, Р. Турсунова ва бошқаларнинг тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш мумкин¹⁶.

3. Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиё давлатларининг сиёсий тизимларининг шаклланиши ва уларнинг барқарор ривожланишини тадқиқ этишга бағишланган изланишларни ташкил этади. Бу гуруҳ Ф. Старр, С. Корнелл, М. Север, М. Церетели, Э. Бойер, С. Шиек, М. Ларюэль, Е. Павлов, М. Лаумуллин каби мутахассисларнинг тадқиқотларни қамраб олади¹⁷.

¹⁶ Рахманқулов М. Вопросы совершенствования научно-методических основ конституционной реформы. Конституционно-правовая реформа: цели, задачи и пути реализации. Сборник статей по освещению положений Закона «О внесении изменений и дополнений в отдельные статьи Конституции Республики Узбекистан (статьи 32, 78, 93, 98, 103 и 117)» / Под общей редакцией д.ю.н. М.Х.Рахманқулова. – Ташкент: ИМДЗ при Президенте Республики Узбекистан, 2014. - 84 с.; Миракулов М. Давлат ҳокимияти тизимида президентлик институти: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил: юрид.фан.докт. дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. - 146 б.; Миракулов М. Ўзбекистон Республикаси президентининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил). – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 2016. 130 б.; Конституционное право: Учебник / Х.Одилқориев, У.Ахмедов, Б.Саидов и др. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2016. 414с.; Одилқориев Х.Т. Ҳокимиятлар тақсимланиши назарияси ва Ўзбекистон давлат органлари тизимининг такомиллашуви / Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат. – Тошкент: Адолат, 1995. - 230 б.; Саидов А.Х. Сравнительное правоведение. – Тошкент: Адолат, 1999. – 480 с.; Саидов А.Х., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Ҳуқуқ назарияси. 2 - жилд. – Тошкент, 2002. - 560 б.; Жумаев Р. Проблемы формирования и укрепления политической системы Республики Узбекистан: Дисс. док. полит. наук. – Ташкент: Академия государственного строительства при Президенте Республики Узбекистан, 1996. С.5.; Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. – Тошкент: Шарқ, 1998. - 143 б. ;Хамедов И. О концепции и проекте Закона «О государственной службе». Жамият ва бошқарув. 2017. №3. С.141; Рахимов М., Рахматуллаев Ш., Турсунова Р., Назаров Р. Очерки новейшей истории Узбекистана. - Ташкент: Адабиёт учкунлари, 2018. С.27.; Халилов Э. Высший законодательный орган Республики Узбекистан. – Ташкент, 2001. С.7; Халилов Э.Х. Референдум Республики Узбекистан – важный этап развития национальной государственности. – Ташкент: Узбекистан, 2001. С.3; Рузметов Х. Организационно-правовые основы деятельности местных органов исполнительной власти в Узбекистане. Диссертация на соиск. уч.степ.докт.юр.наук. Академия государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан. – Ташкент, 2011.223 с.; Исмаилова Г. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимити ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналишлари. 2-нашр. – Тошкент: Академия, 2014. Б.50; Адълходжаева С.М. Либерализм: эволюция идей от прошлого до настоящего (теория и практика). – Ташкент: ТГЮИ, 2002. –124 с.; Адълходжаева С.М. Консолидирующая роль национальной идеологии в условиях либерализации общества // “Общественные науки в Узбекистане”, 2000. – № 3. – С.3 -7.; Мухамеджанов О.З. Формирование организационно-правовых основ деятельности двухпалатного парламента в Республике Узбекистан. Автореф. дисдокт. юрид. наук. – Ташкент, 2004. - 47 с.

¹⁷ S. Frederick Starr and Svante E. Cornell Uzbekistan: A New Model for Reform in the Muslim World Central Asia-Caucasus Analyst May 12, 2018, <http://silkrroadstudies.org/publications/joint-center-publications/item/13295-uzbekistan-a-new-model-for-reform-in-the-muslim-world.html>; Uzbekistan's New Face Edited by S. Frederick Starr and Svante E. Cornell Rowman & Littlefield, 2018.; Svante Cornell in the Astana Times about Central Asian self-governance <http://isdpeu/news/svante-cornell-in-the-astana-times-about-central-asian-self-governance/>; Mjuša Sever Judicial and Governance Reform in Uzbekistan. Central Asia-Caucasus Institute and Silk Road Studies Program, Silk Road Paper, March, 2018.; Mamuka Tsereteli The Economic Modernization of Uzbekistan. Central Asia-Caucasus Institute and Silk Road Studies Program, April, 2018.; Anthony C. Bowyer Political Reform in Mirziyoyev's Uzbekistan: Elections, Political Parties and Civil Society. Central Asia-Caucasus Institute and Silk Road Studies Program, 2018.; Sebastian Schiek Uzbekistan's Transformation from an "Old" to an "Upgraded". L'Europe en Formation 2018/1 (n° 385); Constructing the Uzbek State Narratives of Post-Soviet Years Edited by Marlene Laruelle. 2018 Lexington Books Pp.384. <https://rowman.com/ISBN/9781498538374/Constructing-the-Uzbek-State-Narratives-of-Post-Soviet-Years#>; Павлов Е.В. Трансформация политических систем республик Центральной Азии в условиях глобализации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата политических наук. Бишкек. 2008. – 47 с.; Лаумуллин М. Центральная Азия: основные подходы в современной политической науке // Центральная Азия и Кавказ. 2010. Вып.1.Т.13. 93-117 с.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги ва бошқа асарларда сиёсий тизимни ўрганишнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари маълум даражада баён этилган. Бироқ, илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларини тарихий-ҳуқуқий нуқтаи назардан ўрганишга қаратилган кенг қамровли тадқиқотлар озчиликни ташкил этади. Қолаверса, маҳаллий муаллифларининг мавжуд асарлари асосан Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг алоҳида субъектлари ва институтларини таҳлил қилишга қаратилган ва бу жиҳат биз танлаган тадқиқот мавзусининг аҳамиятини янада ошишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Фанлар академияси Тарих институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-А1-ГО16 ПЗ-2019.09 “Ўзбекистоннинг энг янги тарихини фанлараро ўрганиш: методлар, ёндашувлар ва концепциялар” (2015-2018) номли амалий ҳамда ИЗ-2014-0906053446 “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи (ОТМлар учун дарслик)” (2015-2017) инновацион, шунингдек, ФА-ИЗ Г-0014 “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи (4-жилдлик)” фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларини очиб бериш ҳамда унинг институтлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“сиёсий тизим” тушунчасининг ўзига хос хусусиятларини ва бу таърифга замонавий назарий ва услубий ёндашувларни таснифлаш;

Марказий Осиё давлатларининг замонавий сиёсий тизимларини ўрганишнинг концептуал ёндашувларини таҳлил қилиш;

тарихий-ҳуқуқий таҳлилдан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг шаклланиш жараёнлари ва хусусиятларини очиб бериш;

маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимини янада либераллаштириш муаммолари ва истиқболларини баҳолаш;

қиёсий таҳлил асосида Марказий Осиё республикалари сиёсий тизимларининг шаклланиши ва фаолияти хусусиятларини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизимини демократлаштиришга, шунингдек, ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотларни диверсификация қилишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида энг янги тарих контекстида Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизими белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг шаклланиш тарихи, фаолияти ва трансформацияси тарихи ҳамда ушбу соҳадаги миллий қонунчилик ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, фанлараро ёндашув, хронологик, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

Марказий Осиё мамлакатларида мустақил сиёсий тизимлар шаклланиши жараёни совет давлатининг расмий парчаланишидан олдин бошлангани ҳамда давомли сиёсий ва иқтисодий беқарорликлар фониди бош мақсад этиб асосий бошқарув институтларнинг максимал самарадорлигини таъминлаш белгиланганлиги аниқланган;

Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимини мустақилликнинг дастлабки йилларданок чуқур марказлашган ҳолда шакллантиришга эътибор қаратилгани, конституцион ваколатларнинг “юқоридан-пастга” тамойили асосида ўтказилиши нисбатан секин олиб бориш натижасида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ривожланиш бир маромда кечмагани аниқланган;

ижро ҳокимияти эга бўлган ваколатлар кўлами қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти ваколатларига нисбатан аввалдан номутаносиб кўриниш олгани, бу ҳолат бутун сиёсий тизимнинг барқарор фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, маҳаллий давлат ҳокимиятининг қисман функционал деградациясига сабаб бўлгани далилланган;

Марказий Осиё мамлакатлари ўз сиёсий тизимларининг институционал асосларини шакллантириш босқичидан ўтганлиги, бироқ тизимнинг парламент, маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти бўғинлари фаолияти самарадорлигини таъминлашда ваколатлардан тўла фойдаланмаслик, четга чиқиш ва ҳисобдорликни таъминламаслик каби муаммолар сабабли ўтган даврда кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ислохотларни рўёбга чиқаришга тўсиқ бўлгани исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Энг янги тарих фанида қўлланиладиган ёндашувлар асосида тадқиқ этилаётган мавзунинг Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви соҳасидаги устувор йўналишларни ўрганишда фойдаланиш мумкин бўлган назарий ва услубий жиҳатлари аниқланди;

кенг кўламли маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизимини шакллантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, сиёсий ҳокимиятнинг асосий институтларининг шаклланиш динамикаси таҳлил қилинди, эришилган натижалар ва мавжуд муаммолар кўрсатиб ўтилди, қўшни республикалар сиёсий тизимлари билан қиёсланди, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

мазкур мавзудаги илмий-тадқиқот ишлари сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва унинг институтлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тарих фанида умумэътироф этилган усул ва ёндашувлардан, кенг қамровли тарихий

ва илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва халқаро анжуманларда муҳокама қилингани ҳамда маҳаллий, халқаро илмий журналларда эълон қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ваколатли давлат муассасалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертациядаги Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизимига оид фикр-мулоҳазалар, баҳолар ва таклифлардан тарихий билимларни ривожлантириш, амалий ва фундаментал лойиҳаларни амалга ошириш, ушбу муаммонинг назарий ва услубий асосларини янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича ўқув қўлланмалар ва дарсликларни яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, жамиятни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга, давлат институтларини либераллаштиришга, Республика Фанлар академияси тузилмасини оптималлаштиришга қаратилган мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш йўлида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий Осиё мамлакатларида мустақил сиёсий тизимлар шаклланиши жараёни совет давлатининг расмий парчаланишидан олдин бошлангани ҳамда давомли сиёсий ва иқтисодий беқарорликлар фонида бош мақсад этиб асосий бошқарув институтларнинг максимал самарадорлигини таъминлаш белгиланганлигини очиб берувчи тадқиқот натижалари диссертант иштирокида олий ўқув юрлари учун тайёрланган “Ўзбекистон Республикасининг энг янги тарихи” ўқув қўлланмасини яратиш бўйича инновацион лойиҳа доирасида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-127-сон наشر рухсатномаси (сертификати)). Лойиҳа доирасида тадқиқот натижаларининг жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизими шаклланиши ва ривожланиши масалаларини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган хулосалар фундаментал тадқиқот натижаси сифатида тан олинishiга ва кенг илмий жамоатчилик ўртасида оммалашишига хизмат қилган.

Марказий Осиё мамлакатлари сиёсий тизимларининг институционал асосларининг шаклланиши, бунинг фонида ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги кенг қўламли ислохотларнинг реализациясидаги муаммоларни кўрсатувчи маълумотлардан 2016-2019 йилларда Германиянинг Европа сиёсати институтида амалга оширилган “The EU, Central Asia and the Caucasus in the International System” (EUCACIS) номли халқаро лойиҳасида фойдаланилган (Европа сиёсати институтининг 2019 йил 11 июндаги маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси миллий давлатчилигини шаклланиши ва сиёсий институтларни демократик тамойиллар асосида ривожлантиришнинг асосий жиҳатларини халқаро

миқёсда тан олиншига хизмат қилган. Шунингдек, илмий натижаларнинг хорижда чоп этилиши республиканинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш ва давлат бошқаруви соҳасида мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар тўғрисида тўғри тасаввурни шакллантириш учун шароит яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 12 та халқаро ва республика даражасидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 5 та мақола, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, тадқиқот доирасида чоп этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Сиёсий тизимларни тадқиқ этишнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи боби бугунги кунда сиёсий тизимни илмий ҳодиса сифатида ўрганиш мақсадида шаклланган асосий илмий ёндашувларни, уни тўлиқ ўрганиш учун ишлаб чиқилган услубий жиҳатларни таҳлил қилишга бағишланган. Шу билан бирга, Марказий Осиё республикаларида сиёсий тизимнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари билан боғлиқ хорижий илмий ҳамжамиятнинг тан олинган концепциялари ва таҳлиллари кўриб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимини ўрганишнинг долзарблиги кўрсатилган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфида сиёсий тизимларни ўрганиш чуқур ва оқилона илмий тадқиқотларни талаб қиладиган кўп қиррали жараён эканлиги кўрсатилган. Тадқиқот доирасида ушбу атама нафақат сиёсий, балки ижтимоий, фалсафий, ҳуқуқий, тарихий таркибий қисмларни ҳам ўз ичига қамраб олганлиги аниқланди ва бугунги кунда сиёсий тизимни тадқиқ этиш фақатгина сиёсатшунослик ёки бошқа фан доирасига кириши тўғрисида тасаввур мавжуд эмас, деган хулосага келинди.

“Сиёсий тизим” тушунчаси дастлаб Ғарбда кенг тарқалди ва XX асрнинг ўрталарида чуқур илмий асослантирилди. Бунда, ушбу йўналишдаги

тадқиқотлар СССРнинг парчаланиши, Африка қитъасида мустамлака тартибларнинг кулаши, дунёдаги кўплаб халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақиллик учун олиб борган муросасиз кураши билан бирга глобаллашувнинг жадал суръатлари фонида энг юқори даражага кўтарилди. Бу ҳолат янги ташкил топган давлатларда мураккаб сиёсий жараёнларнинг пайдо бўлишига олиб келди, уларнинг фонида ўтиш даврида давлат тузилишини қайтадан қуриш эҳтиёжи мавжуд эди. Сиёсий тизимни чуқур ўрганиш ижтимоий-сиёсий фанининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, бу давлат-ҳокимият муносабатларини тизимли нуқтаи-назардан илмий тавсифлаш зарурлигига олиб келди. Бунда, давлат тузилиши бўйича муаммоларни тадқиқ этувчи мутахассислар (сиёсатшунослар, тарихчилар, ҳуқуқшунослар ва бошқалар) сиёсий тизимларнинг ишлаш хусусиятини ва мазкур атама ҳақида аниқ тасаввур ҳамда тушунчага эга бўлишга имкон берадиган бир нечта моделларни ишлаб чиқдилар (Д.Истон, Г.Алмонд, К.Дойч ва бошқаларнинг моделлари).

Сиёсий тизимнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш, “сиёсий тизим” тушунчасини узоқ ва чуқур тадқиқ этилишига қарамасдан, экспертлар ҳамжамияти ушбу атама бўйича ягона тушунча ёки ўрнатилган ёндашувга эга эмас, деган хулосага келишга имкон берди. Бунинг сабаби уларнинг хилма-хиллигида, яъни ҳар бир давлатнинг сиёсий тизими маълум бир индивидуал хусусиятларга эга бўлади, бунда мазкур хусусиятлар тарихий ва миллий ривожланишнинг ўзига хос белгилари, кўп асрлик ўтмишга эга бўлган урф-одатлар ва бошқа бир қатор омиллар туфайли пайдо бўлган. Мисол учун, мусулмон мамлакатлари сиёсий тизимларининг таркибий элементлари давлатчилик нуқтаи-назаридан уларнинг диний қарашлари ва негизлари туфайли англо-саксон давлатлари сиёсий тизимининг асосларидан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Бинобарин, ушбу тушунчанинг талқини ва концептуал ривожланиши сиёсий тизимларга хос бўлган белгилар ва хусусиятлар асосида амалга оширилади.

Умуман олганда, турли манбаларни таҳлил қилган ҳолда, сиёсий тизим деганда шартсиз субординация, ўзаро боғлиқлик ва бир-бирини тўлдириш асосида ишлайдиган ҳокимият ваколатига эга бўлган қонуний институтлар мажмуи тушунилиши мумкин ва шу билан бирга унинг фаолияти фақатгина маъмурий (тартибга солувчи) хусусиятга эга.

Бобнинг иккинчи параграфиди асосий эътибор СССРнинг парчаланиши билан бирга содир бўлган Марказий Осиёдаги ўтиш давридаги тадқиқотларнинг замонавий ҳолатига, ушбу жараёнларнинг тегишли республикаларда сиёсий тизимларнинг шаклланишига бўлган таъсири ва унинг институтларини янада демократлаштиришга қаратилди. Хусусан, Б. Румер, В. Халбах, Э. Павлов, А. Варкоч ва бошқалар концепциялари кўриб чиқилди. Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу қарашларнинг барчаси минтақадаги сиёсий жараёнларга нисбатан турлича талқинга эга ва улар сиёсий тизимни қуриш нуқтаи-назаридан мамлакатларнинг ёндашувини бир хил баҳоламайдилар. Бунда, мисол учун, “тугалланган транзит” тушунчаси

Б. Румерга тегишли бўлиб, унга кўра, “Марказий Осиё республикалари ўз ривожланишининг ўтиш босқичини яқунладилар; минтақада иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий алоқаларнинг барқарор тизимига эга сиёсий тузумлар шаклланди. Келажакда, унинг фикрига кўра, уларнинг ички ва ташқи омиллар таъсири остида ва ҳатто ҳокимият ўзгарганда ҳам тубдан ўзгариш ёки трансформация қилиниш эҳтимоли юқори эмас”¹⁸.

Яна бир қизиқарли концепция – бу немис олими В. Халбахнинг концепцияси бўлиб, унда Марказий Осиё энди “постсовет ҳудуди” эмас, деган фикр илгари сурилган. Яъни, олимнинг хулосаларига кўра, Марказий Осиё минтақаси совет ўтмишидан шу қадар узоқлашганки, ўзгаришлар қайтариб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлиб улгурган. Бироқ, бу фикрга қисман қўшилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Сабаби минтақанинг айрим мамлакатларида сиёсий жараёнлар, шу жумладан сиёсий тизимнинг институционал ривожланиши ҳамон совет даврида ишлаб чиқилган сценарийлар ёки мезонларга мувофиқ давом этмоқда.

Илмий ишда ушбу концепцияга қарши чиқувчи бошқа¹⁹ концепциялар ҳам келтирилган бўлиб, улар доирасида олимлар Марказий Осиё жамиятлари ўзларининг совет келиб чиқиши билан чамбарчас боғлиқ, деган фикрда қолишган. Биз ушбу нуқтаи-назарни қўллаб-қувватлаймиз ва минтақа мамлакатлари ўтиш босқичини аллақачон тугатганлиги ва совет меросидан халос бўлганлиги ҳақидаги фикрларни баландпарвоз, деб ҳисоблаймиз.

Марказий Осиёдаги сиёсий тизимларнинг демократик транзити жараёни ривожланган Ғарб давлатлари томонидан қўлланиладиган “вестерн”, яъни ғарб сценарийси асосида амалга оширилмайди, сабаби фақатгина мазкур мамлакатлар ва минтақага хос бўлган хусусиятлар мавжуд бўлиб, улар сиёсий тизимнинг вужудга келиши ҳамда фаолиятига таъсир кўрсатади.

Бугунги кунга келиб бутун Марказий Осиё минтақасига нисбатан вужудга келган барқарор концепциялар ва нуқтаи-назарларга қарамасдан, сиёсий жараёнлар ҳамон тўлиқ ва тўғри баҳоланмаган. Кўриниб турибдики, давлат тузилиши билан боғлиқ тобора кучайиб бораётган сиёсий жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар таъсирида жаҳон илмий ҳамжамиятининг эътибори ушбу минтақага янада кўпроқ жалб қилинади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизими шаклланиши тарихи (1991-2016 йй.)”** деб номланган иккинчи бобида тарихий-ҳуқуқий таҳлил, шунингдек, архив манбалари асосида Ўзбекистон Республикаси ҳокимиятининг барча тармоқларини 2016 йилгача бўлган даврда шакллантириш ва модернизация қилиш жараёнлари тадқиқ қилинган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфидида сиёсий ҳокимиятни трансформация қилиш босқичлари, президентлик институтини шакллантириш хронологияси ва унинг давлат бошқаруви тизимида тизимни ташкил этувчи бўғин сифатида

¹⁸ Rumer B. Central Asia: 15 Years After // Central Asia's Affairs (Almaty, Kaz ISS). 2005. N.1 P.2–12; Central Asia at the end of Transition / ed. By B.Rumer. Armonk. NewYork-London: M.E. Sharpe, 2005. XIII+449 pp.12-15

¹⁹ Лаумуллин М. Центральная Азия: основные подходы в современной политической науке // Центральная Азия и Кавказ. 2010. Вып.1. Т.13. С.95

мустақамланиши таҳлил қилинади. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси – Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг институционал ривожланиши ва уни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари – ҳокимликларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар ўрганилган.

Таъкидлаш лозимки, мустақилликнинг дастлабки йиллари айрим лавозимларни ёки ҳокимият институтларини ташкил этиш нуқтаи-назаридан кўплаб тажрибалар билан таърифланади. Мазкур даврдаги постсовет мамлакатларида давлат қурилиши жараёнларини таҳлил қилиш асосида Ўзбекистонда сиёсий тизимнинг трансформацияси нисбатан вазмин ва оғриқсиз ўтди, деган хулосага келинди ва айрим Марказий Осиё мамлакатларидан фарқли ўларок, институционал янгилашни йўли нисбатан кам вақт мобайнида босиб ўтилди, бу эса мамлакат аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини жиддий салбий оқибатларсиз барқарорлаштиришга имкон берди.

Давлат қурилишининг дастлабки босқичларида ҳокимиятнинг президент қўлида мужассамлашганини ягона миллий сиёсатни ишлаб чиқиш ва ҳокимият тузилмаларида сиёсий кескинликни олдини олиш учун энг зарур шартлардан бири сифатида қараш мумкин. Ўзбекистон шароитида бу ҳолат қонунлар ва бошқа давлат даражасидаги қарорларини ижро этиш механизмини мустақамлашга, сиёсий, миллатлараро ва бошқа соҳаларда қайта қуриш жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилди.

Ўша даврда яратилган давлат бошқаруви механизми бир қарашда ягона президентлик бошқарувини англатмаган, ваҳоланки, қонунчилик даражасида президентга ҳокимиятнинг фақат битта тармоғи – ижро этувчи ҳокимиятга раҳбарлик қилиш юклатилган, қолган иккитаси эса мустақил бўлиб қолган. Бундан ташқари, Президент ва Олий Мажлис ваколатларини таҳлили шуни кўрсатадики, улар бир-бирини тўлдириш тамойили асосида фаолият юритган, бунда фақатгина мувофиқлаштирувчи роль бир томон - президентга тақдим этилган. Биринчи Президент Ислом Каримов 1992 йил январь ойида “Биз ҳукумат ва президент аппарати ишини бирлаштиришнинг янги ва самарали механизмини қидирамиз. Сиёсий тизимда президентлик ваколатларининг устунлиги фақат ўтиш даврида зарур бўлган вақтинчалик ҳодисадир”, деб таъкидлаган эди²⁰.

Ҳокимият тармоқлари ўртасида мувозанатни ўрнатиш жараёнида ижро этувчи ҳокимият муҳим роль ўйнайди ва бу унинг ўзига хос хусусиятидир. Шу билан бирга, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти билан таққослаганда, ижро этувчи ҳокимият муҳим функционал, институционал ва шахсий хусусиятларга эга – унинг тизимида улкан бошқарув, моддий ва инсон ресурслари жамланган. Қоида тариқасида, ҳукумат ижро этувчи ҳокимиятнинг марказий органи ҳисобланади ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиши учун жавобгардир. Ўзбекистонда мустақилликка эришилганидан кейин бундай орган Ўзбекистон

²⁰ Ўз МА, М-37-жамғарма, 1-рўйхат, 71-иш, 6-варақ.

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бўлди. Бошқа қуйи ижро этувчи ҳокимият органлари билан таққослаганда, Вазирлар Маҳкамасининг ўзига хос хусусият шундаки, мазкур давлат ҳокимияти институти давлат бошқарувининг асосий соҳаларини тизимли бошқаришга имкон берадиган умумий ваколатларга эга. Ижро этувчи ҳокимият – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг босқичма-босқич ривожланиши давлат бошқаруви органлари ва у томонидан ташкил этилаётган хўжалик бошқаруви органлари тизимини бошқарадиган ва уларнинг келишилган фаолиятини таъминлайдиган кенг ваколатларга эга бўлган профессионал органнинг шаклланишига олиб келди.

Бобнинг иккинчи параграфи қонун чиқарувчи ҳокимият – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг шаклланиш жараёнлари ва сиёсий тизимни демократлаштиришда кўп партиявий тизимнинг родини таҳлил қилишга бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси олий қонун чиқарувчи органининг шаклланиши тарихий ўтмиш билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга эга. XX аср давомида Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини ташкил этиш моделлари бир неча бор ўзгарган, совет даврида парламентаризмнинг вакиллик тамойиллари билан уйғунлиги қатъиян инкор этилган²¹.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси парламенти яхлит институт ва бутун сиёсий тизимнинг энг муҳим бўғини сифатида мустақилликдан олдин ҳам тўлақонли фаолиятини бошлаган ва қонун чиқарувчи орган сифатида шаклланишида ўзига хос йўлни босиб ўтган. 1990 йил февраль ойида сайланган ва 1994 йил декабрда фаолият юритган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўзбек парламентаризмига асос солди, давлатнинг босқичма-босқич эволюцион йўлини белгилаб берди. Ушбу даврда у 200 дан ортиқ қонунларни, 500 дан ортиқ қарорларни қабул қилди, 22 та шартнома, 21 та битим, 1 та декларация, 1 та хартияни ратификация қилди ҳамда 15 та конвенцияга қўшилиш тўғрисида қарорлар қабул қилди²². Бундан ташқари, 1990 йилда Олий Кенгаш томонидан мамлакатнинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш учун Конституциявий комиссия тузилди, 1991 йил 29 декабрда айнан Олий Кенгаш қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва республиканинг давлат мустақиллиги масаласида референдум бўлиб ўтди, шунингдек Олий Кенгаш “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонунга Конституциявий қонун мақомини тақдим этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 30 сентябрдаги СССР Олий Кенгаши палаталари таркибларига Ўзбекистон Республикасидан СССР халқ депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари номзодларини тақдим қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан сайланган

²¹ Халилов Э. Высший законодательный орган Республики Узбекистан. – Ташкент, 2001. С.7

²² Қаранг: Жумаев Р. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. – Ташкент, 1996. С.80.; Азизхонов А.Т., Ефимова Л.П. Теория и практика строительства демократического общества в Узбекистане. – Ташкент, 2005. С.75.

СССР халқ депутатлари ваколатларини тугатиш тўғрисида”ги қарори мамлакат парламентининг мустақиллигини белгилаб берган ва СССР Олий Кенгашидан узил-кесил ажралиб чиқишга асос бўлган илк ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг миллий-ҳудудий ва ҳудудий округлари ҳамда жамоат ташкилотларидан сайланган 108 нафар СССР халқ депутатларининг ваколатлари бекор қилинди²³.

Парламентга Ўзбекистон Республикасининг тўлақонли вакиллик органи сифатида расмий мақом 1992 йил Конституцияси билан берилган бўлиб, унинг 73-моддасида “Олий давлат вакиллик органи қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг бир палатали Олий Мажлисидир” деб белгиланган. Янги парламент 150 депутатдан иборат эди (1993 йилда Конституцияга киритилган ўзгартиришлар асосида депутатлар сони 250 тага кўпайтирилди), улар ҳудудий сайлов округлари бўйича беш йил муддатга сайланиб келинар эди.

Шаклланган Олий Мажлис – жамият учун давлат тузилишининг янги тури бўлиб, унда ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни бошқаришда демократик тамойилларнинг ривожланиши пайтида юзага келган сифат ўзгаришлари акс эттирилган²⁴. Унинг собиқ Олий Кенгашдан фарқи нафақат ном ва миқдорий таркибда ёки вазифалар ва ваколатларда, балки принципиал жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси тарихида илк марта кўп партиявий мандат асосида профессионал асосда ташкил этилган вакиллик органи бўлганлиги билан боғлиқ эди.

Умуман олганда, мустақил Ўзбекистон парламентаризмининг ривожланиш тарихи доимий такомиллаштириш тенденцияси билан динамик хусусиятга эга. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимиятни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини уч босқичга бўлиш мумкин:

1. 1990 йилдан 1994 йилгача – Олий Кенгаш сифатида парламентар институтлашуви, қонунчиликни шакллантириш, халқаро тажрибани ўрганиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига биринчи сайловларни ўтказиш даврини қамраб олади;

2. 1994 йилдан 2005 йилгача – янада профессионал ва демократик парламентга ўтиш босқичи, бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг икки палатали вакиллик органи шаклланди;

3. 2005 йилдан ҳозирги кунгача – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг қонунчилик асосини такомиллаштириш, қонун чиқарувчи органларга хос бўлган барча зарур ваколатлар билан таъминлаш (масалан, парламент назорати, ҳукуматга ишончсизлик билдириш ва ҳ.к.), шунингдек, етакчи халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш жараёнини қамраб олувчи давр.

²³ Ўз МА, М-69-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш, 79-варақ.

²⁴ Джумаев Р. Проблемы формирования и укрепления политической системы Республики Узбекистан. Диссертация на соискание ученой степени доктора политологических наук. – Ташкент, 1996. С.91

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси СССРнинг бошқа республикалари сингари, ўз тарихида бир партиявий тизим ҳукмронлигининг анча узоқ даврини бошдан кечирган, бу, албатта, кўплаб ўзбекистонликларнинг ижтимоий онги ва турмуш тарзига таъсир қилмасдан қолмаган. Фуқаронинг ҳуқуқий ҳимояланмаганлиги, маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув усуллари, мамлакатда ҳар қандай норозиликни бостирилиши кўплаб одамларда умидсизлик туйғусини келтириб чиқарди, ижтимоий пессимизмни ва жамиятда боқиманда кайфиятларнинг ўсишини кўзғатди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши анъанавий тузилмалар тажрибаси ва янги демократик шакллари излаш уйғунлиги билан тавсифланади. Мустақил ривожланиш йўлининг бошида ҳам мамлакатда партияларнинг кенг ижтимоий-сиёсий фаолияти учун шарт-шароитларни таъминлайдиган ҳуқуқий асос яратила бошланди. Кўп партиявийлик тамойилига асосланган янги сайлов қонунчилиги изчил шакллантирилиб борилди. Бунда, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида” (1991), “Ўзбекистон Республикасида халқ депутатлари мақоми тўғрисида” (1992), “Ўзбекистон Республикасида халқ депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисида” (1992) ва “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (1994) қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, янги партияларни шакллантириш жараёни мураккаб иқтисодий ва сиёсий шароитларда ўтди, бу ўз навбатида мамлакатнинг тубдан янги сиёсий майдонини тўлиқ шакллантиришга имкон бермади. Шунга қарамасдан, кўп партиявий тизимга ўтишга мамлакат ривожланишининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида қаралди.

Умуман олганда, Ўзбекистонда парламентаризм ва кўп партиявий тизим ўз-ўзидан эмас, балки пухта ишлаб чиқилган давлат сиёсати ва меъёрий-ҳуқуқий асосни босқичма-босқич такомиллаштириш натижасида шаклланган. Бундан ташқари, сиёсий тизимнинг ушбу икки муҳим бўғинининг шаклланиши ўша пайтда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий вазиятни, шунингдек, давлатчиликни куриш нуқтаи-назаридан миллий менталитет ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Ўзбекистон парламенти мамлакат фуқароларининг манфаатларини ифодаловчи тўлақонли органга ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос кафилига айлана олди, ўз навбатида кўп партиявий тизим эса плюрализмнинг тимсолига айланди.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг модификацияси (2016-2021)”** деб номланган учинчи бобида янги шароитларда амалга оширилган, ҳокимият институтларининг фаолиятини ягона сиёсий тизим сифатида сезиларли даражада ўзгартирган маъмурий ислохотлар ёритилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини таҳлил қилиш асосида бир қатор сиёсий тизим субъектлари фаолиятини такомиллаштиришга тўсқинлик қилувчи муаммолар аниқланган, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфиди 2016 йилда Ўзбекистон Республикасида ҳокимият алмашиши жараёнида Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сифатида лавозимга киришишининг ҳуқуқий асослари ҳамда давлат бошқаруви тизимидаги ўзгаришлар динамикаси таҳлил қилинган.

Таъкидлаш жоизки, ҳокимият алмашганидан сўнг, сиёсий доиралар ва жамиятда мавжуд тизимни концептуал қайта кўриб чиқиш жараёни кузатилди, бу эса ўз навбатида мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли ўзгаришларнинг бошланишига хизмат қилди. Давлат бошқаруви тизими ривожланишнинг янги босқичига чиқа бошланди, бунда давлат ва жамият ўртасидаги мулоқот устувор вазифа сифатида қайд этилди.

Ўзбек жамияти ҳаётидаги муҳим воқеа давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўлди (бундан кейин матнда “Ҳаракатлар стратегияси” деб юритилади)²⁵. Мазкур ҳужжат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги кўплаб масалалар бўйича муаммоларни ҳал қилиш билан бир қаторда амалдаги сиёсий тизимни ислоҳ қилишга қаратилган эди. Аслида, ушбу ҳужжат мамлакатнинг давлат ва ижтимоий ривожланиш истиқболларини стратегик режалаштириш тизимида сифат жиҳатидан янги ёндашувларни назарда тутган.

Бу ва бошқа тегишли концептуал ҳужжатларнинг қабул қилиниши Ўзбекистон сиёсий тизимининг институционал ривожланиш динамикасини тубдан қайта кўриб чиқиш, бир қатор муҳим муаммоларни аниқлаш ва шу тариқа уларни ҳал этиш йўллари топиш имкониятини очиб берди. Бошқача қилиб айтганда, ҳокимиятнинг барча тармоқлари фаолиятининг институционал, ташкилий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш учун мустаҳкам пойдевор қўйилди. Бу, биринчи навбатда, давлат бошқарувини янада номарказлаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимият бўлиниши тамойилини амалга оширишни таъминлаш ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилишдаги роли ва самарадорлигини оширишни назарда тутган эди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу даврда республика парламенти – Олий Мажлис фаолияти жиддий қайта йўналтирилган, унинг ваколатлари кенгайтирилган, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг фаоллашуви кузатилган. Парламент назоратининг замонавий шакллари, хусусан парламент қўйи палатасида ҳукумат аъзоларининг “Ҳукумат соати” доирасида Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитиш амалиёти жорий этилган.

²⁵ “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/3107042>. Мурожаат этилган сана 01.04.2018 й.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида маъмурий ислохотларнинг тўлиқ амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи мавжуд муаммолар таҳлил қилинган. Хусусан, сиёсий тизимни ислох қилишнинг муҳим йўналиши Ўзбекистон парламенти бўлган. Таъкидлаш мумкинки, асосий оғриқли нуқта – бу қонун лойиҳаларини илгари суришда сиёсий партиялар фракциялари, депутатлик гуруҳлари ўртасида ҳақиқий рақобатнинг мавжуд эмаслигидадир. Парламент палаталарининг ташаббускорлиги юқори даражада эмас. Бунда, 2017 йил давомида шаклланган 136 та қонунчилик ташаббусларидан атиги 27 таси депутатлар томонидан илгари сурилган ва асосан амалдаги қонунларга Президент фармонлари ва қарорлари негизида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ²⁶. Таъкидлаш керакки, аксарият ҳолларда бирон бир аниқ масалани ҳал қилишга хизмат қилмайдиган ва баъзан бир-бирига зид бўлган қонунлар ва қонуности ҳужжатларини қабул қилиш амалда кўплаб муаммоларга олиб келади. Диссертация таҳлили натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кўпинча қабул қилинган қонунлар уларда мавжуд бўлган меъёрларни амалга оширишнинг аниқ механизмларини ўз ичига олмаганлиги ва реал ҳаётда у ёки бу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг қўлланилишини ҳақиқий баҳолаш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли ишламайди.

Чуқур илдиз отган ва яққол кўзга ташланадиган муаммоларга эга бўлган сиёсий тизим тузилмасидан яна сиёсий партияларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг ривожланиши нуқтаи-назаридан парламентдаги сиёсий партиялар фракцияларининг янада самарали ишлашига, шунингдек, сиёсий партияларнинг президент сайловларида иштирок этишига алоҳида урғу берилиши керак. Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов кампанияларини таҳлили сиёсий партиялар томонидан сайлов олдидан сайловчиларга берилган ваъдаларни бажаришнинг жуда паст самарадорлигини кўрсатади. Ушбу ҳолатнинг сабаблари нафақат сиёсий партияларнинг низомлари, дастурлари ва сайлов платформаларининг ўйланмай ишланганлиги, балки улар томонидан олиб борилаётган ташкилий тадбирларнинг заифлигида, партия манфаатларини амалга оширишда аниқ стратегияларнинг мавжуд эмаслигида ва аҳоли билан ишлашнинг ҳам меъёрий, ҳам технологик жиҳатдан пухта ўйланган механизмларини ишга солишдаги муаммоларда яширинган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон сиёсий партиялари олдида халқ ва истиқболдаги электорат билан тўғридан-тўғри ва ҳалол мулоқот қилишни ўрганиш, аҳолини мамлакат ва ундан ташқарисидаги вазият, шунингдек, ўзларининг ҳаракатлари, ютуқлари ва камчиликлари тўғрисида доимий равишда хабардор қилиш каби жуда муҳим вазифалар турибди.

Фаолиятини янада тизимлаштириш маҳаллий ҳокимият органлари учун ҳам талаб қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 23.12.2017. <https://president.uz/uz/lists/view/1371>. Мурожаат этилган сана 02.06.2018 й.

такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини тартибга солишига қарамай, улар томонидан қонун ҳужжатлари ва топшириқларни ижро этишни ташкил этишда замонавий иш юритиш усулларидадан фойдаланилмасдан қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар доирасида маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини “қайта йўлга қўйиш” мақсадларига маълум қийинчилик билан эришилмоқда, бу биринчи навбатда мазкур ҳужжатда белгиланган мақсадларни жадал амалга оширишнинг кенг қамровли тизими мавжуд эмаслигида ифодаланади. Бунинг сабаби депутатлар томонидан депутатлик, парламент сўровлари, депутатлар гуруҳлари ташаббуси билан уларнинг фаолияти бўйича масалаларни йиғилишларда муҳокама қилиш каби ваколатлардан самарасиз фойдаланиш ёки умуман фойдаланмасликдир.

Умуман олганда, кенг кўламли ислоҳотлар сиёсий тизимни янгилаши билан бир қаторда давлат ҳокимияти институтларининг режали ишлашига тўсқинлик қиладиган бир қатор муаммолар ва камчиликларни аниқлашга хизмат қилди. Бу, асосан, ушбу соҳани тартибга солувчи, замонавий давр талабларини ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштирилишга эҳтиёжи мавжуд бўлган меъёрий-ҳуқуқий асосларга таъсир кўрсатди.

ХУЛОСА

Диссертация тадқиқоти асосида сиёсий тизимнинг назарий ва услубий жиҳатлари, Ўзбекистон Республикаси сиёсий ҳокимияти институтлари эволюцияси, ушбу соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, институционал характердаги долзарб муаммолар ўрганилди ва шундан келиб чиқиб кўйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Дунё бўйлаб фақатгина муайян жамиятларга хос хусусиятларга эга бўлган турли хил сиёсий тизимларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, сиёсий тизимнинг моҳиятини илмий жиҳатдан англашнинг аниқ чегаралари мавжуд эмаслиги ойдинлашмоқда. Фанлараро тадқиқотлар “сиёсий тизим” атамаси табиатининг мураккаблиги борасидаги фикрни исботлайди. Шунга кўра, айрим тизимларни ўрганиш жараёнида фақатгина ҳозирги пайтда маълум бўлган назариялар ва ёндашувлардан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ эмас. Бутун тизим, хусусан унинг институтлари фаолиятини баҳолашда муайян давлат, жамият, минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўта эҳтиёткорлик ва прагматизм асосида ёндашиш лозим.

2. Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизими – бу фуқароларнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган, қонунийлик ва шаффофлик тамойиллари асосида фаолият юритадиган давлат ҳокимияти институтларининг прагматик тарзда қурилган тузилмасидир. Бугунги кунга келиб, мазкур тузилма Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида, унинг субъектлари ўртасидаги муносабатлар тартибига эга бўлган мураккаб

механизм кўринишида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон сиёсий тизимининг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусияти сифатида туб ўзгаришларни истисно қиладиган ва унинг институтлари такомиллашуви фақатгина босқичма-босқич амалга оширилишини кўрсатиш мумкин.

3. Тизимнинг асосини ташкил этувчи бўғин – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳисобланади. Фикримизча, президентлик институтининг ушбу хусусияти мустақилликнинг дастлабки йилларида оғриқсиз транзитни таъминлади. Дастлабки йилларда мавжуд бўлган авторитаризм белгилари мавжудлигига қарамай, президентга кенг ваколат тақдим этган тизим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилишини сўзсиз таъминлаш, давлат хавфсизлигини сақлаш ва умумий тарзда давлат сиёсатини илгари суриш нуктаи назаридан самарали эканлигини кўрсатди. Ўзбекистонда Президентнинг ваколатлари уларни бошқа институтларга – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга ва бошқа субъектларга ўтказиш эвазига босқичма-босқич камайиб бормоқда. Умуман олганда, ушбу тенденция транзит жамиятларда нормал ҳолат сифатида қабул қилинади ва энг муҳими, ҳозирги замон талабларига ва номарказлаштириш сиёсатига ўтишнинг мавжуд шарт-шароитларига жавоб беради.

4. 2016 йилда Ўзбекистонда ҳокимият алмашганидан сўнг, сиёсий тизимда бир қатор ўзгаришлар юз берди, яъни унинг институтларини модификация қилиш жараёни бошланди. Ўтган 25 йил давомида шаклланган, илғор тарзда ташкил этилган институционал асос бошқа янги тузилмаларини яратишга эмас, балки фақатгина айрим тузилмаларнинг самарадорлигини оширишга эътибор қаратишга имкон берди. Сиёсий тизимни ўзгартириш жараёнлари учун асос сифатида фундаментал ҳужжат – “2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилинган бўлиб, унда кўплаб вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, суд ҳокимияти фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган, Вазирлар Маҳкамаси фаолияти қайта кўриб чиқилган.

5. Шунини таъкидлаш керакки, давлат миқёсидаги ҳар қандай ўзгаришлар ритмик кўтарилиш ва пасайиш билан бирга вужудга келади, бу, қоида тариқасида, мутлақо нормал ҳолатдир. Ўз навбатида, 2017-2021 йилларда рўй берган Ўзбекистон сиёсий тизимининг таркибий корреляциялари мураккаб характерга эга бўлиб, деярли барча институтлар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этишга, шунингдек, раҳбарларнинг ташаббускорлиги ва шахсий жавобгарлиги нуктаи назаридан фаолиятининг янги даражасига чиқишга қаратилган эди.

Диссертация доирасида шаклланган хулосалар асосида бир қатор **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Дунё илмий ҳамжамиятининг Ўзбекистон ва Марказий Осиёда рўй бераётган сиёсий жараёнларга бўлган қизиқишини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда ушбу йўналишда изланишлар олиб борадиган ихтисослашган

ташкilotлар мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар марказини ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз, бунда унинг асосий мақсади давлат ва ҳуқуқ тарихи (назарияси), транзит жамиятлар, сиёсий тизимлар ва бошқа соҳаларда фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш бўлиши мумкин.

2. Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг “Энг янги давр тарихи” бўлими томонидан амалга оширилган “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” амалий тадқиқотининг давоми сифатида “2016-2021 йилларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий янгиланиши: муаммолар ва истиқболлар” илмий лойиҳасини амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

3. Вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Хусусан, Халқ депутатлари кенгашлари раисини фақатгина депутатлар ўз таркибидан (масалан, энг ёши катта депутат тамойили бўйича) тайинлаш зарур деб ҳисоблаймиз ва шу билан ҳокимлар ўзлари ҳисобдор бўлган органда ҳукмронлик қилиш имконияти истисно қилинади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, мазкур элемент ҳокимлар ва маҳаллий депутатлар ўртасидаги муносабатларда номуносибликни келтириб чиқаради. Айнан Халқ депутатлари кенгаши умумий тарзда ҳокимлар ва ҳокимликлар фаолиятини тартибга солувчи органга айланиши, ҳокимлар эса Кенгаш ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобдор бўлиши лозим.

4. Хорижий тажриба асосида ихтисослаштирилган таълим муассасаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакилларининг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, бунда илмий кадрлар тайёрлаш дастурини диверсификация қилиш ва қабул квоталарини кўпайтириш.

**SCIENTIFIC COUNCIL DSc 02/30.12.2019.Tar.56.01. ON AWARDING
ACADEMIC DEGREES AT THE INSTITUTE OF HISTORY OF THE
ACADEMY OF SCIENCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

INSTITUTE OF HISTORY

JASUR BOTIROVICH SALOMOV

**FROM THE HISTORY OF THE FORMATION AND DEVELOPMENT
OF THE POLITICAL SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

07.00.01 – History of Uzbekistan

**DISSERTATION ABSTRACT
of doctor of philosophy (PhD) of historical sciences**

Tashkent, 2023

The title of dissertation was registered by the Supreme Attestation Commission of the Cabinet of the Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2017.3 PhD/Tar199.

The dissertation has been prepared at the Institute of History of the Academy of Sciences of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation in three languages (Russian, Uzbek, English) is available on the web site of the Scientific Council (www.fati.uz) and on the web site of the Information and Educational Portal "ZIYONET" (www.ziyonet.uz).

Scientific adviser: **Mirzohid Akramovich Rakhimov**
doctor of historical sciences, professor

Official opponents: **Dilorom Agzamovna Alimova**
doctor of historical sciences, professor

Rustam Ziyatovich Jumayev
doctor of political sciences, professor

Leading organization: **National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek**

Defense of the dissertation will be held on “ ____ ” _____ 2023 at ____ at the meeting of the Scientific Council DSc 02/30.12.2019.Tar.56.01. on awarding academic degrees at the Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan (Address: 100047, Tashkent, Yahyo Gulomov Street, 70. 110-room. Tel.: (99871) 233-54-70; Fax: (99871) 233-39-91; e-mail: info@fati.uz. Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan).

The dissertation is available in the Fundamental Library of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan (Registered number № ____). (Address: 100170, Tashkent, Ziyolilar Street, 13. Tel.: (99871) 262-74-58; Fax: (99871) 262-34-41).

The dissertation abstract was sent out “ ____ ” _____ 2023.
(Protocol of the mailing list № ____ from “ ____ ” _____ 2023)

Azamat Ziyov
Chairman of the Scientific Council on awarding academic degrees, doctor of historical sciences, professor.

Kh.S. Jumanazarov
Scientific Secretary of the Scientific Council on awarding academic degrees, doctor of philosophy in historical sciences (PhD)

N.A. Allayeva
Chairman of the Scientific Seminar under Scientific Council on awarding academic degrees, doctor of historical sciences

INTRODUCTION

(abstract of the dissertation of doctor of philosophy (PhD))

The purpose of the study. The study of the processes of formation and development of the political system of the Republic of Uzbekistan, the development of practical proposals and recommendations for improving the activities of its institutions.

The object of the study is the political system of the Republic of Uzbekistan in the context of contemporary history.

The subject of the study is the history of the formation, functioning and direction of the transformation of the political system of the Republic of Uzbekistan, as well as national legislation in this area.

The scientific novelty of the research is as follows:

it is substantiated that the processes of formation of independent political systems in Central Asia countries took place even before the formal collapse of the Soviet state, and against the backdrop of political and economic upheavals, the main goal was to achieve maximum efficiency of key management institutions;

it was revealed that the political system of the Republic of Uzbekistan since the early years of independence was focused on the formation of a deeply centralized system of government, the transfer of constitutional powers on the “top-down” principle of was carried out relatively slowly, that caused the unstable development of the political and socio-economic spheres;

it is proved that the scope of powers of the executive power initially acquired a disproportionate character in comparison with the powers of the legislative and judicial authorities, which negatively affected the stable functioning of the entire political system and caused the functional degradation of local government;

it is proved that the countries of Central Asia have passed the stage of formation of the institutional grounds of their political systems, but the implementation of full-scale social and political reforms is an obstacle due to the presence of such problems as the incomplete use of powers, evasion of the exercise of powers by representatives of local authorities and lack of accountability on their activities.

The practical results of the study are as follows:

based on the approaches used in the contemporary history, the theoretical and methodological aspects of the topic under study are determined, that may be used to research the aspects of public administration of the Republic of Uzbekistan;

on the basis of a wide range of domestic and foreign literature, the main directions of the state policy of the Republic of Uzbekistan in the field of formation of the political system are analyzed, the dynamics of the formation of the main institutions of political power are studied, the results achieved and existing problems are shown, a parallel is drawn between the systems of neighboring republics, appropriate proposals and recommendations are developed;

in order to improve the quality of researches on this topic, proposals were formulated to refine the activity of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan and its institutes.

Implementation of research results. The results of the study, revealing the processes of formation and development of the institutions of state power of the Republic of Uzbekistan, by studying its regulatory and legal foundations at the stage of its formation on the basis of an institutional approach using historical, legal, chronological methods, were used in the framework of an innovative project to create a textbook for universities “The contemporary history of the Republic of Uzbekistan”, prepared with the participation of dissertator (Permission to release (Certificate) of The Ministry of Higher and Secondary-Specialized Education of the Republic of Uzbekistan No. 603-127 by August, 24 of 2017). The obtained findings and conclusions within the framework of the project regarding the study of the processes of formation and development of the political system of the Republic of Uzbekistan are recognized as the results of fundamental research, and are also widely distributed among the scientific community.

The results of the analysis of modern conceptual approaches to the study of forecasts for ensuring the stability of political processes in the Republic of Uzbekistan in 2016-2019 were used in the international project “The EU, Central Asia and the Caucasus in the International System” (EUCACIS) implemented at the European Policy Institute (Institut für Europäische Politik, IEP, Germany, Implementation letter of the European Policy Institute dated June 11, 2019). The application of the results provided an international dimension of key aspects of the formation of the national statehood of the Republic of Uzbekistan and the development of political institutions according to democratic principles. Moreover, the approbation of scientific results abroad created the conditions for strengthening the international image of the republic and the formation of a correct idea of large-scale reforms in the country in the field of public administration.

The structure and volume of the thesis.

The dissertation consists of an introduction, three chapters, a conclusion, a list of used sources and literature. The research part of the dissertation is 121 pages.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I Part)

1. *Саломов Ж.Б.* Сиёсий тизим – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим омили // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2015. №4 (72) Б. 135-139. (07.00.00; № 15).

2. *Саломов Ж.Б.* О некоторых аспектах теоретического исследования понятия политической системы // Ўзбекистон Миллий Университети хабарномаси журнали, 2016. № 1/3. С.87-90. (07.00.00; № 22).

3. *Саломов Ж.Б.* Политические партии Узбекистана: история и современность // Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб масалалари 2018. № 1 С.33-48. (07.00.00; № 1).

4. *Саломов Ж.Б.* Исследование процессов трансформации политических систем стран Центральной Азии // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2019. №4 (84) Б.137-143. (07.00.00; № 13).

5. *Salomov J.B.* “Transformation Processes of Political Systems of Central Asian Countries: Concepts and Approaches” History Research Journal, India 2019. Volume 5, № 6, pp.279-286. (Impact Factor 5.2).

6. *Саломов Ж.Б.* Правовые основы деятельности Президента Республики Узбекистан в осуществлении внешней политики. // Сборник статей Международной конференции «Современные глобальные тренды: вызовы и риски для Центральной Азии», Казахстан 2017. С.180-186.

7. *Salomov J.B* The relevance of studying the political system of the Republic of Uzbekistan // International scientific and practical conference Modern views and research. England, Egham, November-December. 2022. pp. 30-33.

8. *Саломов Ж.Б.* Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизими: янгилашни жараянидаги муҳим омили, Республика ёш олимлар илмий-амалий конференция маъруза материаллари тўплами, 22 декабрь, 2015. Б.572-575.

9. *Саломов Ж.Б.* Роль института президентства в процессе становления политических институтов в Республике Узбекистан (1991-1995 гг.) Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш тарихи: 1980-1990 йиллардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий омили. Республика конференция материаллари тўплами 2019. С. 280-286

II бўлим (II часть; II Part)

10. *Саломов Ж.Б.* Современное состояние исследований политических систем центрально-азиатских стран. Коллективная монография. «Новейшая история Центральной Азии: проблемы теории и методологии (М.: ИВ РАН, 2018. – 304 с. Отв. Ред. А.К. Аликберов, М.А. Рахимов). С.132-145.

11. *Саломов Ж.Б.* Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишида юридик тилнинг ўрни “Замонавий халқаро муносабатлар ва

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент. ЖИДУ 2010 йил, Б.194-198.

12. *Salomov J.B.* Uzbekistan: towards openness and real democracy- Вестник молодых ученых, Ташкент, 2018, №1 (2), 2018 г. С.187-195.

Автореферат “**Markaziy Osiyoda jamiyat, gender va oila**” халқаро илмий
журнали таҳририяти томонидан таҳрир қилиниб, ўзбек, рус ва инглиз
тилларидаги матнлар ўзаро мувофиқлаштирилди.

Бичими: 84x60 1/16. «Times New Roman» гарнитураси.

Рақамли босма усулда босилди.

Шартли босма табағи: 2,8. Адади 100.

“SANBOOK EXCLUSIVE PRINT” ХК босмахонасида чоп этилган.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Янгиҳаёт т., 5-қурилиш ҳудуди, 9-уй.

